

«КЕЛИШИЛДИ»	«ТАСДИҚЛАЙМАН»
_____	Коракалпогистон насос станциялари ва энергетика бошқармаси
Ташкилот номи	Ташкилот номи
_____	_____
_____ Ф.И.Ш	
(имзо)	<i>Ж. Саробоев</i> _____ Ф.И.Ш
« _____ » _____ 2022 йил	(имзо)
	« 15 » 03 2022 йил

Бошқарма тассаруфидаги насос станцияларнинг электро двигателларига кайта тўб таъмир ишларини амалга ошириш

_____ хариди юзасидан

энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари

Тошкент-2022 йил

МУНДАРИЖА

- I-боб. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома
- II-боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар
- III-боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби
- IV-боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби
- V-боб. Энг яхши таклифларни танлашда натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби
- VI-боб. Намунавий ҳужжатлар шакли ва Шартнома лойиҳаси

I-боб. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома

Мазкур энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) бўйича харид қилиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган 684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Танлашни ўтказиш шакли: танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали очик тарзда ўтказилади.

Давлат буюртмачиси: Коракалпоғистон насос станциялари ва энергетика бошқармаси (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).

Харид предмети: мазкур харид қилиш ҳужжатларини 2-иловасида кўрсатилган техник топшириқда кўрсатилган талабларга мос келувчи (товар, иш хизмат миқдори кўрсатилади).

Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шарти: хар бирини нархи 53 000 000 сўмдан ошмаган ҳолда жами суммаси 365 665 300 сўм. Товарни етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) муддати шартнома имзоланганидан сўнг 90 кундан ошиб кетмаслиги лозим.

Молиялаштириш манбаи ва валютаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.

Тўлов шартлари: шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорида (бир миллиард сўмгача тузиладиган шартномаларда) олдиндан тўлов амалга оширилади ва товар етказиб берилганидан (иш бажарилгандан, хизмат кўрсатилганидан) сўнг қолган 70 фоизи тўлаб берилади.

Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили: Тахирётош шаҳри Амударё кучаси №12 уй

Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс: С.Байымбетов Ф.И.О., тел.: 61-572-23-47, 572-23-46. Манзили: Тахирётош шаҳри Амударё куучаси №12 уй

Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт: таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг камида беш иш кун давомида, соат 9-00дан 18-00га қадар қабул қилинади.

Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:

харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади;

мазкур танлашни ўтказишда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади;

таклифларни таъминлаш учун иштирокчи буюртмачини ҳисоб рақамига зақалаб тарзида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ харид предметининг бошланғич нархи жами суммасининг 3% миқдоридаги маблағни қуйидаги ҳисоб рақамларга ўтказиб бериши шарт:

СТИР: 200 367 732

ҳ/р: 23 402 000 300 100 001 010

МФО: 00 014

Банк номи: Бош Марказий банк Тошкент

ш/ҳ: 1000 2186 035 228 7042 402 170 001

Коракалпогистон насос станциялари ва энергетика бошқармаси

(ташкilot номи)

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ
ЭЪЛОНИ

Танлашни ўтказиш шакли: танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.

Давлат буюртмачиси: Коракалпогистон насос станциялари ва энергетика бошқармаси (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).

Харид предмети: мазкур харид қилиш ҳужжатларини 2-илоvasида кўрсатилган техник топшириқда кўрсатилган талабларга мос келувчи (товар, иш хизмат миқдори кўрсатилади).

Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шarti: хар бирини нархи 53 000 000 сўмдан (қўшимча қиймат солиғини инобатга олиб) ошмаган ҳолда жами суммаси 365 665 300 сўм. Товарни етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) муддати шартнома имзоланганидан сўнг 90 кундан ошиб кетмаслиги лозим.

Молиялаштириш манбаи ва валютаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.

Тўлов шартлари: шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорида (бир миллиард сўмгача тузиладиган шартномаларда) олдиндан тўлов амалга оширилади ва товар етказиб берилганидан (иш бажарилгандан, хизмат кўрсатилганидан) сўнг колган 70 фоизи тўлаб берилади.

Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили: Тахирётош шаҳри Амударё кучаси №12

Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс: С.Байымбетов Ф.И.О., тел.: 61-572-23-47, 572-23-46. Манзили: Тахирётош шаҳри Амударё кучаси №12

Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт: таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг қамида беш иш кун давомида, соат 9-00дан 18-00га қадар танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича қабул қилинади.

Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:

харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади;

мазкур танлашни ўтказишда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда қамида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади;

таклифларни таъминлаш учун иштирокчи буюртмачини ҳисоб рақамига зақалат тарзида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ харид предметининг бошланғич нархи жами суммасининг 3% миқдоридаги маблағни куйидаги ҳисоб рақамларга ўтказиб бериши шарт:

СТИР: 200 367 732

х/р: 23 402 000 300 100 001 010

МФО: 00 014

Банк номи: Бош Марказий банк Тошкент

ш/х: 1000 2186 035 228 7042 402 170 001

Харид қилиш ҳужжатларига
2-илова

Техник топширик

Харид предмети _____

Қафолат муддати: _____

№	Талаб номи	Ўлчов бирлиги	Ўзига хос хусусияти
1.			
2.			

II -боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

Мазкур танлашда давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган юридик шахси иштирок этиши мумкин.

Харид комиссияси дастлабки малака танловини ўтказиши ва унинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш юзасидан қарор қабул қилади.

Дастлабки малака танлови харид қилиш ҳужжатларини 3-иловасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларни таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

таклифларни таъминлаш учун закат маблағлари тўлиқ миқдорда ўтказилганлиги;
техник топшириққа доир талабларга мос келувчи таклифлар мавжудлиги;
шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги;
солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;
ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибасига эгалиги;

имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисобрақамлари рўйхатдан ўтказилмаганлиги;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;
манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;
иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши кўрилганлиги.

Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси таклифларни танлаш бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар харид комиссиясига ўтказилаётган танлаш юзасидан тушунтириш бериш бўйича сўров юборишга ҳақли.

Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар ушбу сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Ушбу танлашни ўтказишда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг

таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади.

Харид қилиш ҳужжатларига
3-илова

Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби

Дастлабки малака танлови харид қилиш тартиб-таомилининг бир қисми бўлиб, унинг натижаси давлат харидлари тўғрисидаги шартномани тузиш учун асос ҳисобланмайди.

Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари барча учун бир хил ҳисобланади ҳамда давлат харидларининг асосий принципларига зид бўлмаслиги лозим.

Танлаш бошланишидан олдин харид комиссияси иштирокчиларнинг малакавий танловини ўтказди. Танлашнинг кейинги босқичига фақат малака танловидан ўтган иштирокчилар иштирок этишлари мумкин.

Дастлабки малака танловини ўтказиш учун талабгорлар харид қилиш ҳужжатларининг 4-иловасида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Барча малака ҳужжатлари ташқи конвертга жойлаштирилган бўлиши керак.

Малака ҳужжатлари талабгор томонидан танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда ва харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида иштирокчининг таклифлари билан бирга юборилади.

Талабгорнинг тақдим қилган ҳужжатларининг тўлиқлиги харид комиссиясининг маъсул котиби (бундан буён матнда котиб деб юритилади) томонидан ўрганилади.

Бунда, котиб томонидан уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда иштирокчилар тақдим қилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ҳамда иштирокчилар ҳақидаги қуйидаги маълумотлар ўрганилади:

Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги маълумотлар (ёки бошқа мамлакатларнинг ўхшаш манбалари);

иштирокчи фаолиятнинг лицензияланадиган тури билан шуғулланганда, унинг “Лицензия” ахборот тизими ёки лицензияловчи органларнинг расмий сайтларидаги лицензиялар реестрида мавжудлиги;

иштирокчиларнинг махсус ахборот порталида инсофсиз ижрочилар реестрида, шунингдек тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи миқдорини камайтириш ҳуқуқини суиистеъмол қилган корхоналар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

иштирокчининг ишбилармонлик обрўси тўғрисидаги, шу жумладан иштирокчиларнинг расмий веб-сайти, оммавий-ахборот воситалари, у аъзо бўлган тармоқ уюшмалари ва бирлашмалари ҳамда бошқа Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт ва тегишли ахборот тизимлари орқали олинган маълумотлар.

Котиб томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари харид комиссиясига тақдим этилади ва харид комиссиясининг йиғилишида кўриб чиқилади

Харид комиссияси қуйидагиларни кўриб чиқади ва баҳолайди:

котиб томонидан тақдим этилган ўрганиш натижаларини;

иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибаси;

иштирокчиларнинг молиявий ҳисоботлари, шунингдек солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор

худудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисобрақамлари рўйхатдан ўтказилганлиги ёки ўтказилмаганлиги;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши кўрилганлиги;

иштирокчиларга нисбатан банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.

Иштирокчиларнинг малака танловини ўтказишда қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга йўл қўйилмайди ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди:

- малака танлови учун зарур ҳужжатлар тўпламини ўз вақтида топширмаган иштирокчилар;

- закатат маблағларини тўлиқ миқдорда ўтказиб берган иштирокчилар (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинганда);

- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган;

- буюртмачига нисбатан суд ёки арбитраж муносабатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган иштирокчилар;

- имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки худудларда (оффшор худудлар) рўйхатдан ўтказилган ёки мазкур худудларда банк ҳисобрақамлари очган иштирокчилар;

- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;

- манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;

- харид комиссияси томонидан ишчи-ходимлар малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан маҳсул фаолият бўйича тажрибаси, иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ёки етказиб етказиб салоҳияти ва/ёки қуввати етарли эмас деб топилган иштирокчилар;

- илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган иштирокчилар.

Малакавий баҳолаш мезонлари харид қилиш ҳужжатларини 8-иловасида келтирилган.

Дастлабки малака танлови натижалари харид комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Харид комиссияси баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларнинг таклифларини рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда уларни хабардор қилади.

Дастлабки малака танловидан ўта олмаган иштирокчиларнинг техник ва нархга оид таклифлари кўриб чиқилмайди ва иштирокчиларга қайтариб берилмайди ва бу ҳақида иштирокчиларни таклифларини рўйхатга олиш китобида таклифларни қайтариб юбориш санаси ва вақти қайд этилади.

Малака ҳужжатларининг РЎЙХАТИ

1. Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза (харид қилиш ҳужжатларига 5-илова).

2. Ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг танлаш иштирокчисини муҳри билан тасдиқланган нусхаси.

3. Закалат киритилганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномасининг нусхаси ёки банк кафолатининг асл нусхаси (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинганда).

4. Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлиги, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслигини тасдиқловчи кафолат хатлари (харид қилиш ҳужжатларига 6-илова).

5. Дастлабки малака танловини ўтказишга ТАЛАБНОМА (харид қилиш ҳужжатларига 7-илова).

6. Молиявий ҳисоботлар (ташқи аудитор ташкилотлар томонидан тасдиқланган ёки солиқ органлари томонидан қабул қилинганлиги тасдиқланган ҳолда);

7. Иштирокчиларнинг ишбилармонлик обрўсини (ишчи-ҳодимлари малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан махсус фаолият бўйича тажрибаси) тасдиқловчи ҳужжатлар ;

8. Ташкилот (компания) раҳбарининг танлашда иштирок этиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, унинг ваколатли вакили номига ишончнома тақдим этиш талаб этилади. Бундай ишончнома қуйидагиларни амалга ошириш ваколатини беради:

- ҳужжатларни тақдим этиш;
- харид комиссияси йиғилишларида қатнашиш;
- таклифи бўйича тушунтиришлар бериш.

9. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида Давлат солиқ инспекциясининг маълумотномаси.

10. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза (харид қилиш ҳужжатларига 14-илова).

** Иштирокчилар ўз хоҳишига кўра фаолиятига доир қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши мумкин.*

Харид қилиш ҳужжатларига
6-илова

№: _____ Сана: _____

Харид комиссияси

КАФОЛАТ ХАТИ

Мазкур хатни йўллаш орқали сизга ушбу ташкилот (ташкилотнинг номи кўрсатилади):

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги;
- буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги;
- аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;
- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилигини тасдиқлаймиз.

Имзо:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. _____

М.Ў.

Дастлабки малака танловини ўтказишга
ТАЛАБНОМА

Маълумотлар номи	Тўлдириш учун
1. Умумий маълумот	
Юридик шахнинг тўлиқ номи	
Ташкилий-ҳуқуқий шакли	
Солиқ тўловчининг идентификация рақами/коди	
Тадбиркорлик фаолияти турлари (барча лицензияланган фаолият турлари кўрсатилсин)	
ИФУТ (агар қўллаш мумкин бўлса)	
Мақоми (ишлаб чиқарувчи, дилер, бошқа)	
Веб-сайти	
Электрон алоқа манзили	
2. Юридик манзил	
Мамлакат	
Худуд/вилоят	
Туман	
Шаҳар/аҳоли пункти	
Почта индекси	
Кўча	
Уй	
3. Ҳақиқий манзил	
Мамлакат	
Худуд/вилоят	
Туман	
Шаҳар/аҳоли пункти	
Почта индекси	
Кўча	
Уй	
4. Банк реквизитлари	
Асосий х/р, валюта х/р	
МФО / Банк коди	
Банк номи	
Банк манзили	
5. Қўшимча маълумотлар	
Бажарган ишлари ва лойиҳаларини кўрсатган ҳолда фаолиятини тавсифлаш	
Ходимларнинг умумий сони	
Устав капиталининг қиймати	
6. Талабгор тажрибаси тўғрисида маълумот	
Бозорда маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни етказиб бериш тажрибаси (йил)	
Охириги 3 йил давомида маҳсулот (товар, иш ва	

Маълумотлар номи	Тўлдириш учун
хизмат)ларни етказиб беришда буюртмачилар томонидан билдирилган мулоҳазалар	
7. Молиявий баҳолашни амалга ошириш учун маълумот	
Охирги 3 йил давомидаги сотув ҳажми (йил кесимида)	
Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликлар	
- <i>шундан: муддати ўтган қарздорликлар</i>	
8. Юридик баҳолашни ўтказиш учун маълумот	
Талабгор фаолиятининг умумий даврида етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) сифатида тузилган шартномалар сони ва жами суммаси	
- <i>шундан: шартномалар бўйича мажбуриятларни ижро этмаслик ҳолатлари мавжудлиги (агарда мавжуд бўлса, сабабларни тавсифлаш)</i>	
Сўнгги 3 йилда судда кўрилган ишлар мавжудлиги	

Изоҳ:

1. Талабгор барча маълумотларни тасдиқлайди ва тақдим қилинган маълумотлар ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

Раҳбар

(муҳр)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

VI -боб. Энг яхши таклифларни танлаш натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби

Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Харид комиссиясининг қарорига кўра ғолиб деб топилган иштирокчига харид комиссиясининг ёзма кўринишдаги хабарномаси етказилади.

Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларини 14-иловасида кўрсатилган шаклда тузилади.

№: _____ Сана: _____

Харид комиссияси

**КОРРУПЦИЯ КЎРИНИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БЎЙИЧА
АРИЗА**

Мен, _____ (харид тартиб-таомили иштирокчисининг номи кўрсатилади) товар етказиб бериш учун (таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мажбуриятини оламан.

Мен коррупциянинг қуйидаги кўринишларига йўл қўймасликни кафолатлайман:

- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

- ўз мансаб ёки хизмат мавқеимдан шахсий манфаатларимни ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиш;

- танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини қонунчиликка зид тартибда расмийлаштириш;

- танлаш бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини қонунчиликка зид тартибда амалга ошириш;

- давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказиш, жумладан, пора беришни таклиф қилиш, ваъда бериш, товламачилик қилиш, пора сифатида пул тўлаш, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш;

- манфаатлар тўкнашувига;

- танлашда иштирок этаётган бошқа иштирокчилар билан тил бириктириш;

- ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишга розилик билдираман.

Раҳбарнинг Ф.И.Ш.: _____

Телефон/факс рақами: _____

Электрон почта манзили: _____

Имзо:

М.Ў.